

Бугунги сонда:

БЎШ ОБЪЕКТ – КЎШ ИМКОНИЯТ

ПАХТАНИ КИМЛАР ТЕРАДИ?

ЯНА ВА ЯНА тўйлар ҳақида



Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2020 йил 19 сентябрь

ШАНБА № 63 (13324)

@haqiqatonline

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов мамлакатимизда бўлиб турган "ВЭБ.РФ" Давлат тараққиёти корпорацияси раиси Игорь Шувалов бошчилигидаги делегация аъзолари билан Олмалик кон-металлургия комбинатига ташриф буюрди.



## РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ОЛМАЛИҚДА



Сислар томонидан олиб борилаётган ишларни кўздан кечирди. Уларга амалга оширилаётган лойиҳа ҳақида, хусусан, мазкур кон қуввати ҳамда лойиҳани ишлаб чиқаришга татбиқ этиш бўйича жорий ҳолат тўғрисида сўзлаб берилди.


Шундан сўнг меҳмонлар улкан бунёдкорлик йўлга қўйилган 3-мис Бойитиш фабрикаси қурилиши, 1-мис бойитиш фабрикасида жадал давом этаётган асосий қувватларни реконструкция қилиш ва барқарорлаштириш дастури доирасидаги ишлар, мис эритиш заводидаги аффинажланган олтин ва кумуш ишлаб чиқариш жараёни ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлди.

Корхона Ахборот хизмати хабарига кўра, меҳмонлар дастлаб комбинат бошқаруви раиси Абдулла Хурсанов ва "SFI Management Group" компанияси кузатув кенгаши раиси Қобил Шодиев ҳамроҳлигида комбинат фаолияти билан яқиндан таништирилди.

Россия делегацияси "Ешлик-1" конини ўзлаштириш жараёни ва мутахас-

ЎзА

## Тадбиркорликка кенг йўл



## БИНОКОРЛИҚДА

## ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

Мазкур корxonанинг қурилиш ишлари 2016 йилда бошланган бўлиб, жорий йилнинг октябрь ойидан тўлиқ ишга тушиши режалаштирилган. Корхонадаги барча цехлар Германия, Австрия ва Испаниядан

келтирилган замонавий техникалар билан жиҳозланган. Бунинг учун 50 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ сарфланган.

Бугунги кунда корхона цехларида 150 нафарга яқин ишчи меҳнат қил-

моқда. Корхона тўла қувват билан ишга тушса, уларнинг сони 400 нафарга етказилади.

Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ туманидаги "Euro Global Invest" масъулияти чекланган жамияти қошида ташкил этилган корхонада йирик қурилиш объектлари ва кўп қаватли уйлар учун бетон ҳамда темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

## Оила – МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

Хар бир инсоннинг маънавиятини шакллантириш ва ўстиришда оиланинг ўрни ва таъсири жуда катта. Инсонга хос бўлган энг самимий ва беғубор туйғулар, ҳаёт тўғрисидаги дастлабки тасаввурлар, атроф-муҳитга муносабат, энг аввало, оилада шаклланиди. Зеро, оила маънавияти унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия ва бошқа инсоний туйғуларда мужассам бўлади. Оилавий муҳитнинг носогломлиги, оила аъзоларининг ўзаро тил топиша олмаслиги эса уни барбод қилади.

### Бугуннинг гапи

Сўнги йилларда оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатилгани ижобий натижа бермоқда.

Вилоятимиздаги 1 минг 42 та

маҳаллада 1 минг 23 та нотинч, 960 та ажралиш арафасида турган оилалар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг муаммолари ўрганилмоқда. Четдан қараганда, нотинч оилалар сони бир маҳаллага биттадан ҳам тўғри келмайди, дейиш мумкин.



(Давоми 2-саҳифада)

## Тухфа



## ХУСУСИЙ ШИФОХОНА АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Пискент туманида "AZIZ MEDIKAL CENTER" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги хусусий клиника фаолиятини бошлади.

Икки қаватли бинода жойлашган хусусий клиникада аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган.

Клиникамизда Германиядан келтирилган 100 минг долларлик замонавий лаборатория, диагностика, COVID-19 инфекциясини аниқловчи ПЦР, ИФА ускуналари

шифохонада оддий, ўрта ва люкс хоналар ташкил этилади. Хар бир хонага телевизор, WiFi ўрнатилди.

Айни вақтда клиникада 12 нафар ходим иш билан таъминланди. Муассаса фаолияти тўлиқ йўлга қў-



ўрнатилган, – дейди муассаса раҳбари Азизхон Искандаров. – Яқин кунларда яна 100 млн. сўмлик тиббий жиҳозлар келтирилади.

Клиникада беморлар амбулатор ва кундузги стационар шароитида даволашлари мумкин. Умумий қуввати 50 ўрнига мўлжалланган хусусий

йилгач яна 25 та иш ўрни яратилади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирда клиникада 6 нафар тажрибали мутахассислар – кардиолог, эндокринолог, УЗИ диагност, гинеколог, отоларинголог сингари юқори малакали шифокорлар беморларни даволашмоқда.

Ўз муҳбиримиз

## АЁЛ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Олмалик шаҳар ҳокимлигининг анжуманлар залида аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантириш, бизнес ғояларини молиялаштириш, рақамли иқтисод бўйича таълим беришга бағишланган "Аёл ва рақамли иқтисодиёт" мавзудаги халқаро ўқув семинари ўтказилди.

### Семинар

2



Ўрта Чирчиқ туманидаги "Dostonbek Azizbek Agro" фермер хўжалигининг 67 гектар ер майдонида жорий йилда пахтанинг "Наманган-77" нави парвариш қилиниб, 200 тоннага яқин ҳосил йиғиб олиш режалаштирилган.

– Бу йил тажриба сифатида пахта майдонимизнинг 25 гектарини сув тежовчи технология ёрдамида парваришладик, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Комила Жуманазарова. – Бу янги технологиянинг афзалликлари жуда кўп экан. Масалан, культивациядан, ёқилгидан ва ишчи кучидан иқтисод қилиб олдик. Бундан ташқари, экинларнинг барчаси сувга тўйинади. Оддий сугориш жараёнида баъзи жойлар кўллаб кетса, айрим

## ДАРОМАДНИНГ НАҚДИ – ДАЛАДА

эгатларга сув етиб бормасди. Қолаверса, ҳосил етилишини ҳам тезлаштирар экан. Кейинги йилдан бу технологияни кенгайтирмоқчимиз.

Пахтазорда хўжаликнинг 20 нафар ишчиси ҳамда 85 нафардан ортиқ кўнгилли теримчилар пахта термоқда.



– Очиғи, карантинда уйда ўтириб анча зерикдик, моддий томондан ҳам

бир оз қийналиб қолгандик, – дейди Фотима Қурбоналиева. – Терим бошлангани ва килосига 1 минг 200 сўмдан ҳақ тўланаётганини эшитиб, тўғри далага келавердик. Бир кунда ўртача, 120- 130

килограмм пахта тераяпмиз. Меҳнатимизга яраша пулини ҳам олаёпмиз. Маълумот ўрнида, туманда 2020 йил ҳосили учун жами 22 минг 252 тонна пахта хом ашёси етиштириш белгиланган бўлиб, ўртача ҳосилдорлик гектарига 30 центнерни ташкил қилади. Зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш ҳисобига, ўртача ҳосилдорлики 40 центнерга етказиш кўзда тутилган.

Зухриддин РАҲМОНОВ  
Тошкент ҳақиқати/  
Аброр ЭСОНОВ олган суратлар

## Пахта – 2020

Пандемия билан боғлиқ чекловлар бутун мамлакатимиз аҳолиси, қола-верса, хотин-қизлар учун ҳам синовли давр бўлди. Карантин талаблари кучайтирилган пайтда оилалар тинчлигини сақлаш масаласига ҳар қачонгидан ҳам кўп эътибор қаратилди. Карантин та-

Ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган кўрик-танловлар пандемия шароитида масофавий ташкил этилди. Жорий йилнинг июнь-июль ойларида "Ибратли оила" танловининг масофавий икки босқичи бўлиб ўтди. Биринчи босқичда 942 та оила, иккинчи босқичда



# Оила - МАЪНАВИЯТ БЕШИГИ

лаблари юмшатиладиган сўнг аёлларни касбга ўқитиш бўйича талабгорлар рўйхати ҳар бир туман ва шаҳарлар кесимида шакллантирилди. Ишсизлик даражаси юқори бўлган 11 та туман-шаҳар ҳудудидаги маҳаллалар рўйхатида келтирилишича, 63 нафар хотин-қиз касб ўрганиш, 31 нафари ўз бизнес лойиҳаси бўйича иш олиб бориш, 87 нафар уй бекаси ишлаш истагини билдириб муножат қилган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

88 та оила қатнашди. Энг ибратли 22 та оила масофавий танловнинг вилоят босқичига йўлланма олди.

Бошқармаимиз томонидан оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, нотинч оилалар фарзандлари ва уларнинг ота-оналари билан ишлаш бўйича "Йўл харитаси" тузилган. Унга кўра, вилоятимизда қонуний никоҳдан ўтмай яшаётган 1 минг 204 та оила аниқланди. Бундай оилаларнинг пайдо бўлишига сабаб

бўлган оимилларни ўрганиш жараёнида 595 та ноқонуний яшаётган оилаларнинг никоҳлари расмийлаштирилди.

Ҳаммамизга маълумки, аёли соғлом оила саранжом-саришта, файзли бўлади. Шу сабабли, хотин-қизлар саломатлигига катта аҳамият қаратилмоқда. Даволаш-профилактика муассасаларида етакчи мутахассислар иштирокидаги манзилли "Фертил ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар ойлиги"да 817 нафар фертил ёшидаги аёл, 579 нафар ўсмир

қиз чуқур тиббий кўриқдан ўтказилиб, 367 нафар эстрогенитал касалликлар бўлган аёлнинг 172 нафари соғломлаштирилди.

Аммо, бу борадаги камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайти. Вилоятда 6 та эрта туғуруқ ҳолати қайд этилган оилаларни ўрганиш, ўсмир ёшидаги қизлар билан олиб борилаётган тушунтириш ишлари талаб даражасида эмаслигини кўрсатади. Қизларни оилага тайёрлаш билан бирга, уларнинг қизиқликлари асосида тўғрақ, ўқув курслари ва хунар ўрганишга жалб этиш керак. Шу мақсадда вилоятда тузилган 13 кишидан иборат ишчи гуруҳ хотин-қизлар, ёшлар масаласига оид барча жиҳатларни чуқур ўрганиб, таҳлил қилишга жалб этилган.

Барчамизнинг мақсадимиз битта – оиламизни асраш, унинг тинчлиги, бахту иқболи, фарзандлар камолини кўриш. Бу ҳар биримиздан фойдалиқ ва фидойиликни талаб этади. Зеро, оила тинч бўлса, жамият фаровон, юрт осойишта, эл обод бўлади.

**Озода ПАРПИБОВА,**  
вилоят Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари

## Назорат

### Реклама бозорига тартиб ўрнатилмоқда

Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги "Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олмалик шаҳар ҳокимлиги қошида махсус ишчи гуруҳ тузилган.



Ишчи гуруҳ аъзолари ва вилоят Монополияга қарши курашиш ҳудудий бошқармаси реклама бозорини тартибга солиш бўлими вакили С. Кизилбеков билан биргаликда шаҳарнинг марказий кўчалари бўйлаб жойлашган ташқи реклама воситалари бўйича хатлов ўтказилди.

Хатлов натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Жумладан, Амир Темура кўчасида 2 та, Эҳтиром кўчасида 3 та 6x3 ҳажмдаги ташқи реклама объектлари (билборд) яроқсиз ҳолатга келиб қолганлиги, 7 та ҳолатда эса ташқи реклама конструкцияси эгалари томонидан қонунга хилоф

равишда, шаҳар ҳокимлиги руҳсатисиз, ўзбошимчилик билан ўрнатилганлиги маълум бўлди.

Юқоридаги ҳолатларни бартараф этиш бўйича ташқи реклама конструкциялари эгаларига Вазирлар Маҳкамасининг юқоридаги қарори талаблари тушунтирилиб, ёзма ва озаки оғохлантириш берилди.

### НУРАФШОНДА ЎЙИНЧОҚ ФАБРИКАСИ ҚУРИЛАДИ



Янги хабар

Нурфшон шаҳрида хорижий инвестиция лойиҳаси асосида ўйинчоқлар фабрикаси бунёд этилмоқда.

босқори Хитойнинг "CHINA KAYAN STAR BUSINESS" компанияси ҳисобланади. Компания асосан электр ўйинчоқлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган.


Лойиҳа қиймати 4 миллион долларни ташкил этадиган, хитойлик инвесторлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган янги корхонада йилига 40 минг дона импорт ўрнини босувчи синфатли ва жаҳон андозаларига мос робот ўйинчоқлар, замонавий русумдаги юмшоқ ўйинчоқлар ва велосипедлар ишлаб чиқарилади.

Ҳозирда белгиланган ҳудудда қурилиш олиб борилаётган. Корхона тўла қувватда ишга тушган 90 та иш ўрни яратилади, экспорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ички бозорга йўналтирилади.

## Медиа-тур

Ангрен шаҳрида вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати ва Давлат Активларини бошқариш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида журналистлар учун ташкил этилган медиа-турда ҳудуддаги бўш турган ёки самарасиз ишлаётган бино-иншоотлардан унумли фойдаланиш, ташаббускор тадбиркорларга бериш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишилди.

### Ангрен шаҳри: БЎШ ОБЪЕКТ - ҚЎШ ИМКОНИЯТ




Президентимизнинг 2018 йил 4 сентябрдаги "Ишлаб чиқариш майдонларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ бўш турган, фойдаланилмаётган ёки самарасиз ишлаётган бино ва иншоотлар, ишлаб чиқариш объектларини тўлиқ қайтадан ўтказиш, электрон базасини яратиш, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш бўйича шаҳарда 656 та объект аниқланган.

Бу турдаги бино ва иншоотларни хўжалик фаолиятига жалб қилиш мақсадида 97 та лойиҳа ишлаб чиқилган бўлиб, натижада 1 минг 164 та янги иш ўрни яратилди.

Айни пайтда 162 та давлат мулки объектларидан 75 таси ижтимоий объектлар бўлиб, уларнинг 6 тасида 95 фойз қурилиш-реконструкция ишлари амалга оширилган ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Медиа-тур иштирокчилари дастлаб ҳудуддаги "Дельфин" ёпиқ сув ҳавзасида олиб борилган ишлар билан танишилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, мазкур мажмуа 1981 йилда қурилган ва ҳозирги кунда Ангрен шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактабига қарашли. Сув ҳавзаси кўп йиллар қаровсиз ҳолда бўлган. Ташаббускорларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида ёпиқ сув ҳавзаси тўлиқ капитал таъмирланди.




– Бу ерда 7 та сузиш, умумий тарзда 19 та спорт турлари бўйича мингдан зиёд аҳоли ва спортчилар шугулланиши мумкин, – дейди мактаб директори Уткирбек Абдуллаев. – Мажмуа атрофида енгил ва оғир атлетика, теннис корти ва бошқа спорт комплекслари ҳам бунёд этилган.

Бино эса замон талаблари асосида таъмирланган бўлиб энг сўнгги спорт жиҳозлари ўрнатилган. Сув ҳавзасида профессионал спорт мусобақалари ўтказиш мумкин. Унинг атрофида эса томошабинлар учун 260 ўринли жойлар қилинган.

Ҳозир кўлаб ёшлар бу ерда шугулланиш истагини билдиришмоқда. Ёпиқ сув ҳавзаси жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилади.

Бундан ташқари, сув ҳавзасининг ён томонидаги "Кимёгар" спорт ўйингоҳида

лиш ишларининг якуний босқичи амалга оширилмоқда. Ишлатилаётган қурилиш маҳсулотлари корхонамида тайёрланади. Бу эса бизга қулайлик яратмоқда.



Навбатдаги манзил "Тараққиёт" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган, 1979 йилда қурилган 1 минг 176 ўринли 4-умумтаълим мактаби бўлди. Мазкур таълим даргоҳининг таъмирталаб биналарини рисоладагидек ҳолга келтириш учун 2 млрд. 500 млн. сўм кредит ажратилган. Шаҳар халқ таълими бўлими мудири Роҳила Абдуқодированинг таъкидлашича, ҳозир мактабнинг битта биноси тўлиқ таъмирланди. Барча синф хоналарига зарур жиҳозлар олиб келинди. Қолган биналарда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилаётган бўлиб, кулай савдо қилишга қадар фойдаланишга топширилади.

Шунингдек, медиа-тур иштирокчилари шаҳар марказида жойлашган Алишер Навоий номидаги истироҳат боғини ҳам кўздан кечиришди. Мана 5 йилдири ташландиқ, харобага айланган боғ шаҳар кўркини бузиб турибди. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда шаҳар маъмурияти томонидан 36 гектар майдонни эгаллаган боғнинг замонавий боғ режаси ишлаб чиқилган. Шу асосда инвестиция тақлифлари ўрганилмоқда.

Ўз мухбиримиз

## АЁЛ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Малика Қодирхонова, Ёшлар ишлари Агентлиги инновация ва рақамли технологиялар бошқармаси бошлиғи Умид Бурханов, шунингдек, Тошкент вилоятида ишбилармон аёллар учун электрон тижоратни ривожлантириш,

Унда барча тадбиркор аёллар ўз маҳсулотлари ва уни яратилишига бўлган хом ашёга кетадиган сарф-харажат тўғрисида тўлиқ маълумот қолдиради. Бу ўзаро тажриба алмашишга, дунё бозорини ўрганишга имкон яратди. Таъкидланганидек, лойиҳа доирасида мингга яқин аёлларни электрон коммерцияга



Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш ва АКТ соҳасидаги халқаро минтақавий ҳамкорликнинг долзарб йўналишлари бўйича УСАИД экспертлари ва тадбиркор аёллар иштирок этишди.

Лойиҳа модератори, "Шарқ аёли" Халқаро аёллар жамоат фонди раиси Саодат Турсунбоева қатнашчиларни лойиҳа мазмуни билан қисқача таништириб, шундай деди:

– Жамоат фондимиз УСАИДнинг "Тадбиркорлик ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш" танловига лойиҳа топшириб, грант олди. Асосий мақсадимиз – аёлларни электрон тижоратга жалб қилиш, билим бериш, шунингдек, уларнинг талаб ва тақлифларига қулоқ тутиб, парламентга олиб чиқиш эди. Натижа биз кутгандан ҳам яхши бўлди. Яъни, аёллар мазкур лойиҳага ўйлаганимиздан ҳам кўпроқ қизиқиш билдиришди. Аслида ҳам аёлларимиз замон билан ҳамнафас бўлиб, дунё тажрибасини ўрганиб, амалий ишлар қиладиган вақт келди. Бугун ҳар бир тадбиркор интернет мажмуаларини ривожлантириши керак. Бу маҳсулотларини реклама қилишга, бренд яратишга, қулай савдо қилишга кўмак беради. Шунингдек, лойиҳа доирасида тадбиркор аёллар учун мобил илова яратишни мақсад қилганмиз.

– Биз оила аъзоларимиз билан миллий кўғирчоқ ва ўйинчоқлар ишлаб чиқарамиз, – дейди пискентлик тадбиркор Гулноза Алматовва. – Маҳсулотимизни интернет магизинда сотишни кўпдан кўра бери режалаштириб юргандик. Аммо, йўл-йўриғини билмаётган эдик. Бугунги семинар аниқ муддо бўлди. Семинарда мутахассислар тажрибасидан ўрганганларимиз асосида Facebook, Telegram, Instagram каби ижтимоий тармоқларда ўз каналимизни очиб, маҳсулотимизни дунё бозорига олиб чиқамиз. Бундай лойиҳалар янада кўпроқ бўлишини истардим. Сабаби, бундай семинарлар тадбиркорларга электрон тижорат соҳасидаги қонунчилик ва халқаро тажриба билан танишишда ёрдам беради.

Семинар якунида тадбиркор аёлларга халқаро сертификатлар топширилди.

**Мадина АБДУСАМАТОВА**  
Тошкент ҳақиқати

### Вилоят ҳаёти

Мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам бу йил биринчи мартаба нишонланаётган 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунига катта тайёргарлик давом этмоқда. Байрам муносабати билан бир қатор тадбирлар ташкил этиш мўлжалланган. Шулардан бири аҳоли гавжум жойлар, йўл ва хиёбонларда ўзбек тилининг мавқеи ва нуфузини кўрсатиб берувчи ташқи тарғибот воситаларини жойлаштиришдир.

Вилоятдан ўтувчи халқаро магистрал кўчалар, шаҳар ва туман марказларини она тилимизни мадҳ этувчи шорлар билан безаш ишлари аллақачон бошлаб юборилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаментининг кўмаги ва ҳомийлигида вилоят кўча ва хиёбонларига 80 дан ортқ ана шундай банерлар ўрнатилди.



**ОҲАНГАРОН** шаҳридаги Маданият ва истироҳат боғида давлат солиқ идоралари раҳбарлари билан матбуот анжумани ўтказилди. Учрашув тадбиркорлик субъектларига яратилаётган шароитлар ҳақида кенг жамоатчилигини хабардор этиш ва режалар билан ўртоқлашиш мақсадида ташкил этилди.

Шунингдек, шаҳар ҳокими Ақром Эшонқулов маҳаллий тадбиркорлар билан мавжуд муаммолар юзасидан тўғридан-тўғри очиқ мулоқотда бўлиб, вилоятда тадбиркорлар зиммасига ортқча юклар қўйилмаслиги учун жорий йилда амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар ва келгусидаги режалар тўғрисида гапирди.

**ЧИНОЗ** туманининг Шароф Рашидов номли кўчасида қад ростлаш мўлжалланган замонавий "Орзу" тураржой мажмуаси қурилишини бошлаш учун отахонлар оқ фотиҳа беришди. Мазкур кўп қаватли мажмуа "Эркин қурилиш барака" хусусий корхонаси томонидан бунёд этилади.



**ҚҮЙИ ЧИРЧИҚ** тумани ҳокимлиги, прокуратура, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази ва Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими ҳамкорлигида "Пахтазор" маҳалласида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Ярмаркада 37 та корхона ва ташкилотлар 630 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Кун давомида 45 нафар фуқаро билан шартнома расмийлаштирилиб, ишга йўлланмалар берилди.

**ЎРТА ЧИРЧИҚ** тумани "Бойовул" маҳалласи ҳудудида жойлашган "HUM POWER BUSINESS" МЧЖнинг 4 гектар майдонида Корея технологияси асосида етиштирилган помидор Қозғистон ва Россияга экспорт қилинмоқда. Ҳозир помидор экилган майдоннинг бир гектаридан 75 тонна ҳосил олиш кўтилмоқда. Айни пайтда иссиқхонада 20 нафар маҳаллий аҳоли ишламоқда.



Мавсум

**Шу кунларда пахта ҳосилини йиғиштириб олиш, яна пандемия шароитида теримчиларни инфекция юктириб олишдан асраш энг долзарб вазифа бўлиб турибди. Табиийки, халқ орасида бир қанча саволлар айланмоқда: бу йил теримга кимлар жалб қилинади, мажбурий меҳнатга йўл қўйилмайдими, кўнгилли теримчилар учун қандай шароитлар яратилган?**

# ПАХТАНИ КИМЛАР ТЕРАДИ?

Маълумотларга қараганда, жараёнга бу йил шартнома асосида кўнгиллилар жалб қилинади, ёланма теримчилар билан тегишли шартномалар тузилади, ҳеч бир кўнгилли ишчи шартномасиз далага чиқмайди. Бунинг учун Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Касаба уюшмалари федерацияси, Савдо-саноат палатаси ўрта-суда қўшма ҳужжат имзоланди ва унга асосан низом ишлаб чиқилди. Теримчилар ўзи истаган муддатта шартнома тузиши мумкин бўлади. Хоҳласа бир ҳафта, хоҳласа 15 кун, хоҳласа бир ой. Ҳеч ким қандайдир муддатга шартнома тузишга мажбурланмайди.

Пахта теримида қатнашадиганлар икки гуруҳга бўлинади. Яшаш жойидаги пахта теримида қатнашувчилар ва бошқа вилоят, туманларга бориб жараёнда иштирок этувчи теримчилар. Ҳар бир ёланма ишчилар гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ 50-70 теримчидан иборат бўлади.

Пахта теримига сафарбар этилган фуқароларнинг 100 нафарига битта ҳамшира бириктирилади. Уларнинг махсус хонаси бўлиб, барча зарур дори-дармонлар берилади. Шунингдек, пахтага чиқишдан олдин ҳар бир ишчининг тана ҳарорати ўлчанади. Бу масала санитария-эпидемиология ходимларига топширилади.

Мамлакатимизда бу йилги мавсумда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик, ихтиёрий меҳнатни рағбатлантириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий мавсум биринчи теримда 1 килограмм пахта учун минг сўм, иккинчи теримда 1 минг 400 сўм ҳақ тўланади.

Вилотимизда ҳам пахта ниест-нобуд қилмасдан териб олиш ва мавсумни талафотсиз ўтқа-

зишга пухта тайёрларлик кўрилди. Хусусан, жорий йилда вилоятда 1 минг 313 та фермер хўжаликлари томонидан 73 минг гектардан орттиқ майдонга сифатли уруғ қада-либ, 229 минг 600 тонналик хирмон кўтариш режалаштирилган.

Шунингдек, вилоятдаги 31 та пахта қабул қилиш масканларидаги мавжуд тарозихона Давлат стандарти ходимлари томонидан назорат қилиниб, синов лабораторияларидаги асбоб-ускуналар давлат қиёсловидан ўтказилди ва ўрнатилган тартибда мувофиқлик сертификатланди. Пахта хом ашёсини қабул қилишда муҳим саналган кичик механизация воситалари, гарам майдонлари, электр шкафлар, ёнгин қалқонлари ва сув ҳовуллари, ўт ўчириш автомашиналари ҳамда худудни ёритиш воситалари қисқа фурсатда таъмирдан чиқарилди.

Бундан ташқари, ҳосилни ёгин-сочинли кунларга қолдирмасдан ўз вақтида йиғиб-те-риб олиш жараёни учун 119 та пахта териш машинаси сафарбар этилган. Жумладан, Бекобод туманига 13 та, Бўқа туманига 33 та, Оққўрғон туманига 29 та, Қўйи Чирчиқ туманига 25 та ва Чиноз туманига 19 та техника бириктирилди. Вилоятда жами 62 та "Кейс", 18 та "John Deere", 39 та МХ-1,8 русумли пахта териш машиналари "Агро-сервис МТП" масъулияти чекланган жамияти ҳамда кластер корхоналари ва фермер хўжалиқларида мавсумга шай ҳолга келтирилди. Қолаверса, 827 та транспорт тракторлари ва 1 минг 406 та тиркамалар таъмирдан чиқарилиб, дала-латномалар асосида мавсумга тайёрланди.

**Мухайё ПАТТАЕВА,**  
Агроинспекциянинг вилоят бошқармаси бош инспектори



**У**ҳаёти давомида бир қанча китоблар эзди. Аммо, улар орасидаги энг яхшиси - ҳисоб кунинда варақланадиган китоби эди. Чунки, бу китоб армонли кўнгилларнинг дил изҳорларини, улуг савобларга тўлиб кетган...

### "Ҳақиқат" ёдномаси

# МАЖИД ОТА ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Маждид ота Самадовнинг номи нафақат Пискент тумани ёки Тошкент вилоятида, балки мамлакатимизда ҳам кўпчилига таниш. Маждид ота Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси эди. У 1951 йилдан бошлаб "Пискент ҳаёти" газетасига муҳаррирлик қилган. Тахририятдаги 26 йиллик меҳнат фаолияти давомида кўплаб пискентлик қаламкашларга устозлик қилди.

Маждид отанинг маҳорати, айниқса, тадқиқотчи ёзувчи ва журналист сифатида кенг намоён бўлди. У 1972 йилдан 1992 йилгача Россия Федерацияси Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги Марказий архивда ҳар йили икки ойдан изланишлар олиб борарди. Бу айтомқоچа осон, лекин кўз нурини, қалб ҳароратини бериб, минглаб саҳифаларни синчиқлаб кўриб чиқиш, улар орасидан керакли маълумотларни эзиб олиш учун метин ирода, сабр-матонат керак. Унинг ана шундай машаққатли меҳнати

тизан", "Жасорат саҳифалари", "Жангномага айланган сатрлар", "Эзлик баҳодир", "Қасоскорлар", "Навечено в памяти" каби китоблар эзди.

— Биз ҳамкасбимиз Маждид Самадовни ўзбек халқига кўп хизмат қилган ёзувчи сифатида қадрлаймиз, — деган эди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов. — У

танлаган йўл шундай улғуки, бу йўлда қилинган саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, тарих зарарақларида қолажақ.

Мен юқоридаги мулоҳазаларни ёзар эканман, Маждид отанинг шогирди сифатида бир таклифни кўпчилик ҳуқуқига ҳавола этмоқчиман. Хабарингиз бор, бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги нишонланди. Ушбу сана муносабати билан Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус Қарори асосида Ғалаба боғи ташкил этилди. Мазкур боғ Иккинчи жаҳон урушида шу бахтли кунларимиз учун қон кечган, жон берган ота-боболаримизнинг ёрқин хотира-



си олдидаги юксак ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин намунаси бўлди. Богдаги "Хотира музейи"да халқимизнинг урушдаги иштироки, фронт ортидаги меҳнат қарамонликлари, тарихий воқеалар замонавий технологиялар ёрдамида акс эттирилган. Бу ерда урушда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг номлари қайд этилган "Хотира китоби", Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан нашр этилган китоб-альбом ва бошқа экспонатлар жойлаштирилган. Таклифим: мазкур музейнинг фашист боқинчиларига қарши жангларда қатнашган ўзбек адабиёти намояндалари ҳақидаги материаллар намойиш қилинган бўлимида устоз-журналист Маждид Самадов ва унинг қонли жангларда ҳалок бўлган ота-боболаримиз руҳини шод қилиш ниётида амалга оширган савобли ишлари хусусида ҳам маълумотлар жойлаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шунингдек, Пискент туманининг "Митан" маҳалласидаги Маждид ота яшаган хонадонда "Маждид Самадов уй-музейи" ташкил этиш ҳам фойдадан холи бўлмасди.

Зеро, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, "Эл-юрт хурмати" ордени соҳиби Маждид Самадов ва у каби ота-боболаримиз кўрсатган жасорат халқимиз учун ва айниқса, юрагига юрт меҳрини шо қилган ёш қаламкашларимиз учун шон-шараф мактаби, гуруҳ-иртиқор манбаи бўлиб қолади.

**Тўхтамурад ҲАСАНОВ,**  
"Ўзбекистон" нашриёти етакчи муҳаррири

# Қудуқ тубидаги СИР

Янгийўл тумани, "Кенгкечик" маҳалласида яшовчи Я Абдувоҳид Умрзоқов ҳовлисида қудуқ қазиниш жараёнида бир неча сопол буюм ва суякларга дуч келди.

Бу ашёларнинг ноёблигини тушуниб етган маҳалла фаоли, нафақатдаги милиция подполковниги Ҳабибулла Юсуфжонов топилмаларни илмий жиҳатдан ўрганишни сўраб академик Аҳмадали Асқарова мурожаат қилди. Зудлик билан ФА Тарих институти, ФА Миллий археология маркази ва Низомий номидаги ТДПУ "Тарих" факультети ходимларидан иборат ишчи гуруҳ кўрсатилган манзилга етиб борди.



Томонлари 1,7х1,7 метр, чуқурлиги 6 метр бўлган қудуқнинг ўрганилиши шуни кўрсатдики, ер сатҳидан 3 метр чуқурликда 3 кишига тегишли бўлган майит қалқанчасига ётқирилиб, дафн қилинган. Қудуқни қазиниш пайтида суяклар атрофидан 10 та сопол буюм қавлаб олинган. Топилмалар орасида дастаси бурама шохли кўчқор боши тасвирланган ёғлиги, қизил ва қаймоқ рангда англобланган тутқичсиз қадахлар, қалта жўмақли қўзалар бор. Марҳумларни бундай осориатқалар билан кўмиш одати археологлар томонидан ўтган асрнинг 30-40-йилларидан бошлаб

бугунгача Тошкент вилоятининг қатор худудларида аниқланган. Тадқиқотларда бундай қабрлар гумбаз шаклидаги хилхона тузилишида бўлиб, унга диаметри 60х80 см. ўлчамдаги узун йўлак орақли тушилгани, сопол буюмлар асосан марҳумларнинг бош ва оёқ томонига қўйилгани исботланган. Улар фанда миллоддан олдинги II асрдан — миллодий VI асрлар билан даврлаштирилган Тошкент воҳасида кенг ёйилган Қовунчи археологик маданиятига мансуб саналади. Айни дамда топилган қабр қалқонлари ва сопол идишлар ҳам Қовунчи маданиятига хосдир. Идишлар тутқичининг бурама шохли кўчқор кўринишида ясалши одати миллоддан олдинги II асрдан — миллодий IV асрларда кенг тарқалган. Шунга асосланиб, ишчи гуруҳ ушбу қабр ва ундан олинган ашёлар юқорида кўрсатилган даврларга оид деган хулосага келди.

**Дилмурад НОРМУРОВОВ,**  
ФА Тарих институти бўлим бошлиғи

### Икки хикоят

## ЎЗ ҚАДРИНИ БИЛГАН ЧЎРИ

Хорун ар-Рашиднинг чўрилари орасида биттасининг ҳусну латофатда тенги йўқ экан. Халифа чўриларга совға-салом улашган пайтларда бошқалар зўр миннатдорчилик билан қабул қилар, у эса мутлақо олмас экан. Бундан халифанинг ҳақиқий чўрлар эканлиги аниқ бўлади.

— Бир кўйи у бир халта марваридни чўриларининг олдида тўқди. Ҳамма совғага ўзини ташлади-ю, халифи чўри бўрилиб қармади ҳам. Сўнг халифа хазиначидан бир халта ёқут олдириб келиб сочди. Ҳамма ўз улушини олди, чўри қиз тагин бепарволигича тураверди.

— Нега бошқалар қатори ўз улушининг олмадинг? — деб сўради ундан халифа.

— Борди-ю, шу ердан ўзимга ёққан нарсани танласам меники бўладими? — деб сўради гўзал чўри қиз.

— Майли, айтганинча бўлсин.

— Унда, — деди қиз Хорун ар-Рашиднинг қўлидан тутиб, — мен сизни танладим.

Хорун ар-Рашид уни никоҳига олишга мажбур бўлди.

## СУЛТОН ВА ТИЛАНЧИ

Султон Маҳмуд Ғазнавий Балхда турган пайтида ов иштиёқи билан саройдан чиқди. Бир бухоролик тиланчи унинг йўлини тўсди ва хайр-эҳсон тилаб туриб олди. Султон бунчаларни ёқтирмас эди. Ҳожибга: «Уни тўқмоқланглар», деб буюрди. Отга «чу» деб қамчи босганда эса қимматбахо узугининг ёқут кўзи тушиб қолди. Тиланчи буни кўрди ва отликлар тўдаси ўтиб кетгандан кейин уни ердан олиб, ҳаменига солди.

Султон саройга қайтганидан сўнггина узугининг ёқут кўзи йўқолганини пайқайди ва гуломларини уни қидиришга юборди. Уларга тиланчини ҳам топиб келиш буюрилди. Лекин, улар тиланчини ҳам, узугининг кўзини ҳам тополмай қуруқ қайтдилар.

Эртаси кун султон шаҳар айлангани чиқди. Йўлда яна ўша кечаги бухоролик тиланчига рўбарў бўлди. Тиланчи султоннинг йўлини тўсиб яна хайр-эҳсон сўради.

— Бу баттолнинг бошини мажақлаб ташланглар, — деб буюрди султон ҳожибга.

Ғуломлар тиланчини йўлининг четига судраб ўтдилар. Энди тўқмоқламоқчи бўлиб турганларида тиланчи уларнинг қўлидан қочиб чиқди ҳаменидан ниманидир олдида, чопиб бориб султоннинг қўлига тутқазди ва тиз чўкиб, шафқат сўрай бошлади. Султон тиланчи берган туғунчани эзиб кеча йўқолган узугининг кўзини таниди. Ғуломларига: «Тўхтанглар, бўлди», деб ишора қилгач, тиланчига уч юз динар оқча инъом қилиб:

— Тангри таоло сен туфайли мени садақа беришга мажбур этди, ўзимга қолса бир чақа ҳам бермаган бўлардим, — деди.

**Абу Райҳон БЕРУНИЙНИНГ "Жавоҳирнома" асаридан**

# ЯАТИРОҚЛИК - ХУРОЗҚАНАГА ХОС

## ЁХУД "Қўқон шамоли" фильми томошасидан кейинги ўйлар

**1. Грим ҳақида**  
Ун тўққизинчи аср охирида ҳам аёллар қош териб, лабига ўн минг сўмлик арзон буюқ суриб юришганидан хабарим йўқ экан. Эркаларнинг соқоли эса профессионал барбершоппа текисланган. Устара эмас, машинка ишилиги шундоқ кўриниб турибди. Бундан ташқари, режиссёрлар актёрликка доим ҳам чиройли юзларни эмас, балки кўримсиз бўлсада харизматик қиёфаларни танлаш кераклигини ўрганишсин. Чунки, бу фильм халқ ҳақида. Халқ эса сизу мендек оддий юзли бўлади.

**2. Либослар, интерьер ва ландшафт**  
Дизайнер уч-тўртта эски портретни кўриб, қайсибир модалар уйининг тайёр либосларидан фойдалангандек туюлди. Кинода ранглар фалсафаси билан ишлаш деган нарсаси бор. Яхшироқ ўрганмоқчи бўлишса, интернеддаги "Cinema Cartography" номи каналда шу ҳақида "Storytelling with the colours" деган кўрсатувни бир томоша қилишсин.

**3. Ёруғлик ва ранглар**  
Монтажчи аввал бундай замонавий техника билан ишламагани сезилди. Рангларга жуда очқўзлик билан ёндошилганки, сал билган одам бу монтаж Марвел фильмлари фанати томонидан қилингани, охирида

**4. Фильмда гоа борми?**  
Балки эскичадек туюлар, лекин тарихий фильмнинг гоаи пухта бўлиши керак. Бу картинада эса на режиссёрнинг айтар гапи, на унинг шахсий имзосини кўрамыз. Сценарий ёзилиш жараёни қандай кечгани эса деярли таниш: буюртма, икки учта тарихчи, адабиётчи билан суҳбат, тарихчилар тавсия қилган адабиётларнинг хронологик рўйхати ва адабиётлардаги асарлар асосида сюжет ва икки-учта сентиментал диалог.

режиссёрнинг техник тахрири. Сценарий тайёр. Унинг устида жон куйдириб ишланмагани аниқ. Халқнинг пулини бекорга ишлатиш нега керак?

Бировнинг меҳнати дейсиз, сен кимсан дейсиз, лекин тушунинг, куюнганимиздан гапирамыз. Халқ кинодан янглик кутаяпти. Кинога ажратилган пул қимматлашяптики унинг ўзи арзонлашиб бораёпти. Рост, бизникилар ҳаракат қилишяпти, лекин чиқмаяпти. Замон Тарковскилар, Бергманлар замони эмас. Ҳатто Тарантино, Кубриклар ҳам классикларга айланди. Бугун Ангелополус, Ваититиларни ўрганиш пайти келди. Бунинг учун эса режиссёрларимиз бўш вақтида хонтахта кинолар олмасдан китоб ўқишлари, кўпроқ айнан бугунги фильмларни ўз тилида тушуниб томоша қилишлари керак. Халққа табиий мевалардан тайёрланган соза ва шифобахш ширинлик тортиқ қилайли!

**Мирзохид МУЗАФФАР**

Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармаси вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори, тиббиёт фанлари доктори, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Бахтиёр Қосимовга турмуш ўртоғи **Динара ҚОСИМОВА**нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

21 октябрь - Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Ривоят қилишларича, тили қарғишдан тинмайдиган бир кампир бўлган экан. Бир йигит ўша кампирни излаб келибди. Овлоқ жойдаги кичкина кулба эшигини тақиллатса, ичкаридан кампирнинг: "Оғзингдан қонинг келгур, кимсан?" деган овоз келибди. Йигит: "Ассалому алайкум, онахон, майлими кирсам?" дебди. "Ҳа, жувонмарг, сенга нима керак?" дебди кампир. Шунда йигит мулоимлик билан: "Онажон, айтингчи, дунёдаги энг ёмон қарғиш нима?" деб сўрабди. Аёл узоқ жим бўлиб қолибди ва анчадан кейин кўзида ёш билан: "Илойим, она тилингдан айрилгин" деган қарғиш энг ёмон қарғиш, деган экан.

ОНА ТИЛИМИМ - ЖОНУ ДИЛИМИ

Дарҳақиқат, инсон учун тил улуг ва бебаҳо неъмат ҳисобланади. Албатта, тил доимий ривожланишдаги ҳодиса. Ўзбек тилимиз ҳам шу кунга қадар не замонларни босиб ўтмади, дейсиз. Аммо, тил ҳар доим ҳимояга муҳтож бўлиб келган. Сизнингча, биз ўзбек тилини аждодларимиз каби ҳимоя қилаялмишимиз? Бунинг нақадар долзарб масала эканини ҳис қилаемизми? Афсуски, савол бундай қўйилганда ижобий жавоб беришга ийманаемиз.



кент ўрганиш, уни ҳар томонлама ривожлантириш борасида муҳим вазифалар белгиланади.

Она тили ҳар бир инсон учун муқаддас тушунча. Инсон ҳар доим тил билан ашади, мулоқот қилади. Маънавий ва маърифий ҳаёт уйғунлигига чорловчи асарлар, илмий ва маданий мерослар инсониятни баркамолликка, яқдилликка ва олижанобликка ундайди. Шунинг учун ҳам тилга эътиборли бўлиб, масъулият ва муҳаббат билан ёндошиш шарт.

Зеро, тил - миллат руҳи. Миллатнинг маданияти, маънавияти ва тарихи инъикосидир. Ўзгилгани, яшаб қолишини белгилаб берадиган муҳим мезонлардан бири. Бас шундай экан, давлат рамзлари қаторида турмушчи она тилимиз ўз ўрнини топиши, қадр-қиммати юксалиши учун ҳар биримиз масъулдиримиз. Барчамиз тил ҳақидаги қонунга риоя этайлик, унга муносабатимизни ўзгартирайлик. Дунё сийёсий харитасида "Ўзбекистон" деган давлат битта бўлгани каби, ўзбек тилининг Ватани ҳам битта! Бинобарин, уни асраш, бойитиш, келгуси авлодларга беэвола етказиш сизу бизнинг зиммамизда.

Нигора БОЛТАБОВА, Янгийул шаҳар Мактабча таълим бўлими мудири

Хабарингиз бор, пандемия сабабли тўйлар ихчам тарзда, оилавий ўтказилаяпти. Дастлаб 30 кишилик тўйга норози бўлганлар ҳам чуқур мулоҳаза юритиб, ихчамлашган тўйлар нафақат оила бюджетини иқтисод қилиши, балки ёш оиланинг тезроқ оёққа туришига ёрдам бўлишини ҳам тушуниб етишяпти.



Инсон ўзинг

фига йиғиб, базму жамшид уюштиратган дабдабозларга нима дейиш мумкин? Улар на қонунга бўйсунмади, на жаримага тортилишдан қўрқмади.

Шу ўринда мавзуга доир яна бир гап. Яқинда юрдошларимиз орасида ва ижтимоий тармоқларда катта шов-шувга сабаб бўлган "Браво" жамоаси вакили Аҳмад Темиров ҳамда хонанда Воҳиджон Исоқовнинг тўйи ҳақида сиз ҳам эшитгандирсиз. Қундан-қунга касалланиш ҳолатлари ортиб бораётган бир вақтда Махсус комиссия талабларига зид равишда қўллаб-қувватлаш йиғиб, карантин тартиб-қоидаларига риоя этмаслики қандай тушуниш мумкин? "Тошкент сити"да бўлиб ўтган дабдабали тўй, қўша-қўша атоқли санъаткорлар ташрифи, на ниқоб бор, на оралиқ масофа. Шоу бизнес вакиллари ҳам карантинда зерикиб қолишган чоғи, "Тошкент сити"га ёғилиб, яйрашибди. Гўё улар учун пандемиянинг ҳеч қандай аҳамияти йўқдек. Бу очикдан-очик аҳоли соғлиғига нописандликку. Ёки шоу бизнес вакиллари учун ҳеч қандай қонун йўқми?

Кўра-била туриб, амалдаги тартиб-қоида менсимай, бу "кутуриш шоуси"да иштирок этган санъаткорлар кечагина бошқача гапириб, бизга қўл ювишни ўргатишмаётганмиди? Ахир, бундай хатти-ҳаракатлар жамият қоидаларига, неча ойдан бери кўринмас душман билан олишиб, жонларини фидо қилган юзлаб шифокору ҳарбийларимиз, юрдошларимиз хатираси ва меҳнатларига нисбатан хурматсизлик эмасми?

Аллома АЗИЗОВА /Тошкент ҳақиқати/

ЯНА ВА ЯНА тўйлар ҳақида



хунари ордидан шахсий жамғарма ҳам ортиргани учун уй жиҳозлари ва мебелни ўзи олишини ният қилган эди. Қўда томонни ҳам қийнамадик. Тўйдан сўнг машина ҳам сотиб олдиқ. Энг муҳими, ёшлар бахтли, келинимиз ўқишини давом эттираяпти.

Дарҳақиқат, бундай ихчам, кам-харж, 30 кишилик тўйлар ҳақидаги хабарларни эшитиб қувонамиз. Бирок, кейинги кунларда ўтаётган айрим тўйларда яна кимўзарга қамчи босаётганлар учраётгани ачинарли ҳол. Ижтимоий тармоқларда тўй баҳона шохона қаср мисол дангиллама уйлари кўз-кўз қилиш мақсадида бир кунлик тўй учун жуда катта сарф-харажат қилаётган, уч-тўрт саф "30 кишилик меҳмонлар"ни ҳовли-рўй ва ўнлаб хоналарда бир дастурхон атро-



Бизга ёзадилар СОҒЛИҚҚА НИМА ЕТСИН?

Турмуш ўртоғим Маҳмуджон Муродов 71 ёшда. Август ойининг сўнги кунларида қаттиқ шамоллаб қолдилар. Уйда муолажалар қилдик, аммо фойдаси бўлмади. Қайтага оғирлашиб қолдилар. "Тез ёрдам" чақирдик. 6 сентябрь куни Зангиота туманидаги ихтисослаштирилган кўп тармоқли махсус шифонага олиб кетишди. Текширувлардан сўнг уларда COVID-19 аниқлангани

ва у бошқа ёндош касалликлар билан кечаётгани учун оғирлашиб қолганларини айтишди. Уларни шифохонанинг 2-блокидаги интенсив терапия бўлимига ётқизишди.

Очиғи, турмуш ўртоғимдан хавотир олиб, жуда тушкунликка тушиб қолдим. Хайриятки, бўлим шифокорлари Шавкат Умиров, Сардор Асқаралиев ҳамда ҳамшира Дилнора Тўрақуллованинг бир неча кунлик саъй-ҳаракат-

Хаммамиз ҳам иссиқ жонмиз. Иситмамиз ҳозирги пандемия шароитида одам ўзини эҳтиёт қилиши керак.



лари уларни ҳаётга қайтарди. Худого шукр, ҳозир аҳолилари анча яхши. Сўнги пайтларда шифокорлар ҳақида турли нохуш гап-сўзлар ҳам қулқоқ чалиниб қоляпти. Аммо, беш қўл баробар

эмас. Шукрки, юқорида тилга олганимиздек, меҳрибон ва фидойи шифокорлар кўп. Оилам номидан уларга катта раҳмат дейман. Роҳат АСАТУЛЛАЕВА Зангиота тумани



МИТТИ ҳикоялар БЕКАМДА

Кўхликка жувон сочиға кимнингдир қўли текканни сезди-ю, шартта ўгирилиб, ортида турган эркакнинг бетига тарсаки туширди. — Уятсиз! Аблах! Жувон жўнаб кетди, сал нарида турган йигитлар келиб, эркакни дўппослашди. — Аёлга нега тегиндинг, болам? — сўради бир чол. Эркак йиртилган лабига кафтини босди: — Социга чаён ёпишиб турган экан, уриб тушироқчи эдим, у мени нотўғри тушунди. — Туширдингми?! — Йўқ...

Шонийз МЕЛИБОЕВ

ОРЗУ

Суриялик бир болақайдан сўрашди. — Катта бўлсанг ким бўласан? Бола қувонганча деди: — Мен ҳам катта бўламанми? Хулқар МУРТАЗОЕВА



Муҳаммад СИДДИҚ



Иш вақтин тугади, меҳмон бўлиб метро сари кўчага келишим. Бас қатори инжоним япроқлар қўлини сениг ҳуринишидан узлиб, оёқларим остига йиқилди. Кўча шовқинидан безовта қилиб, атрофга олазарак нигоҳ ташлашману қўлқўшиқларимни тақиб оламан. Улардан исван ҳофияси

ХУДО ЙЎЛИДА... САЛФЕТКА ОЛАСИЗМИ?

Бехос ёнимга бир русийзабон қизалоқ югуриб келади. Юзлари кир. Малласоч. Қўлида бир неча рангли пакетчалар бор. Менга бир синик нигоҳ ташлайдию лабларини чўчайтириб сўз қотади: — Дядя, кули пожалуйста салфетку! Всего-навсего пять тысяч рублей! Хайдаб солгим келмайди. Негадир унинг овози Ясиннинг қуйларидаги ёқимли оҳангдек эшитилди менга. Унга раҳиман келганиданми, ёки нима деб кетказиб юборишни билмаганиданми, индамай айтган пулини бериб юбораман. — Салфетка тебе не нужна... У хурсанд бўлиб, чопқиллаб кетади. Сарғайган баланд дарахлар оралаб кўздан гойиб бўлади.

Яна ҳаёл суришда давом этаман. Салқин оқшом осмонда жуфт-жуфт кулранг булутлар сузиб юради. Пастлаб учаётган турли-туман қўшларнинг чуғурлари майин шамоллар овозига қўришиб кетаётгандек туюлади. Энди ўрнидан туриб кетишга чоғланганимда, йўлак бошида яна бир болақай мен томонга югуриб келаётганини пайқайман. Буниси ким бўлди яна? Олдимига етиб келгунча шовилмай, саволмуз термулиб тураман. Ниҳоят, орадаги масофа бир-икки қадам қолганида, у ҳам кўзлари жавдираб, хансираганча салфетка сотиб олишимни сўрайди. Лаҳжасидан ё тожик, ёки лўли бўлса керак, деб ўйлайман. Майли, дейман. Уксимасин... То кета-кетгунча ҳақимга дуо қи-

лишдан тўхтамайди бояғи зумраша. Тезроқ бу ердан кетмасам яна бир-рортаси пайдо бўлиб, боримни шилиб олмаса гўрағайди ҳали, деб ўй суришга улгурмасиданок қорамангиз, озгингина бир бўзбола қаршимда турибди. Ана холос! Унинг ҳам қўлларида салфетка. На жаҳл қилишни биламан, на терс бурилиб кетишни. Қўринишидан ўзбекка ўхшайди. Қизик, ота-онаси йўқмикин, ёки бор бўлса ҳам шаҳарда салфетка сотиб юрганидан беҳабармикин улар? — Худо йўлида мендан ҳам салфетка сотиб олинг, амаки! Илтимос, жон амаки! Пулинигиз кўп бўлсин, бой бўлиб кетинг илойим!

Унинг овози яна ўша оҳангни эста соларди. Буниси энди Ясинга эмас, кузги япроқларнинг маънос шовуллашига ўхшарди гўё. — Ма, олақол! Салфетка керакмас, — дея уни ўридиққа ўтказиб, саволга тута бошлайман. — Ёшинг нечада, мактабга чиққанмисан? У бошини сарақлаб, йўқ ишорасини билдиради. — Ота-онангчи, борми? Бош силкиб, паст овозда, "Ҳа", дейди. Бошқа саволга тутгим келмайди... У эса бисотида бор хайрихоҳ сўзлар билан дуо қилганча ҳаққалаб, келган йўлига равона бўлади. Уйку олдидан яна уйга ботаман. Хиёбондаги болақайни уйлайман. Улар улғайган қандай ҳаёт кечиришаркин?

Дарвоқе

Умр бўйи тиланиб яшашадими? Ғирт беъманилик! Ахир, кимдир уларга қай-гуриши, тўғри йўл кўрсатиб юбориши керакку. Эртасига яна ишхонага йўл оламан. Кечаги кун яна тақдорланади. Бу сафар бошқа болақайларни учратаман. Улардан бири кийимидан тортиқлайди: — Худо йўлида... салфетка сотиб олинг! Унинг овози кечаги болақайники каби оҳангни едга солмасди. Кўзлари ҳам маънос эмас, айёронга қараётгандек туюларди. Беҳтиёр ўзимнинг болалик даврим кўз олдимида айланади. Менинг болалигим қандай ўтанди? Умуман бошқача, бошқа оламда... Шу лойт негадир абхаз ёзувчиси Фозил Искандарнинг бир ҳикоясидаги диалог ёдимга тушди. "Бу дунёда сотилмайдиган ва сотиб олинмайдиган нарса ҳам бўлиши керакку!". Сиз, ўрнимда бўлганингизда, ўша болақайдан яна салфетка сотиб олармидингиз? Муҳаммад СИДДИҚ

Advertisement for 'TOHKENT VILOYATI HOKIMLIGI' (Tashkent Region Administration) featuring contact information for Muassis, Bo'sh muharrir Fayrat Sheraliyev, and other details. Includes phone numbers, address, and website information.